

**Рустамова Нигора Баратовна**  
**тарих фани ўқитувчиси**  
**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар**  
**вазирлиги Бухоро академик лицейи**

### **ВАТАНГА МУҲАББАТ – ОЛИЙ САОДАТ**

**Аннотация:** Замондошларимизнинг онгу дунёқараши, ҳаёт тарзи, ўй-мақсад ва интилишлари кечаги кун одамларидан буткул фарқ қилади. Мамлакатимизда рўй берган ва бераётган янгиланишлар, кўлга киритилаётган ҳавас қилгулик ютуқлар замирида халқимизнинг ҳаётга, меҳнатга, Ватанга муҳаббати, ғайрати, шашту шижоати мужассам.

**Калит сўзлар:** Ватан, суверенитет, Қуръони карим, ҳадиси шариф, фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат, бозор муносабатлари.

Чиндан ҳам, «Ватан туйғуси», «Ватан» тушунчаси биз учун саждагоҳдай муқаддас, саждагоҳдай пок ва улуғ бўлмоғи керак. Биз она Ўзбекистон истиқлолини, унинг шаъну шавкати қандай ҳимоя этишни ота-боболаримиздан мерос қилиб олишимиз ва унинг ҳимоясига ҳамиша тайёр турмоғимиз даркор. Улуғ аждодларимиздан муқаддас мерос бўлиб келаётган Ватанга муҳаббат туйғуси, фарзандларимиз, бугунги ва келажак авлодларимиз учун чинакам эътиқодга, чинакам ақидага айлансин.

Дунёда Ватанга муҳаббат ҳисси деган тушунча бор. Бу – муайян замин эгаси бўлмиш халқни билиш, унинг қадрига етиш, нималарга қодир эканлигини тан олиш ва буюклигини эътироф этиш демакдир. Шу маънода, Ватан ва халқ эгизак тушунча. Ўзбекистон деганда, она юртимизни, ўзбек халқи деганда эса Ватанимизни тушунмоқ керак. Бирисиз иккинчисини тасаввур этиб бўлмайди. Саодатли келажакка ҳозир, ҳар дақиқада улуш кўшмоқ, Ватанга муҳаббат ва садоқат – ватанпарварликнинг асл кўринишидир. Ватанга муносиб фарзанд бўлиш, қадрдон тупроқ билан чамбарчас боғлиқ эканлигимизни теран идрок этиш, уни жон-дилдан севиш

хаётга теран мазмун бағишлайди. Она бағри гўдак учун қандай оромбахш бўлса, Ўзбекистон – она Ватан биз учун шундай хаётбахшдир! Оллоҳга минг катла шукурлар бўлсинким, муборак дамлар, улуғ ва буюк кун бизнинг халқимизга насиб этди. 1991 йил 31 август Ўзбекистоннинг мустақилликка эришган кунидир. Биз учун мустақиллик, – энг аввало ўз тақдиримизни кўлимизга олиш – ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳаммамиз учун мўътабар шу заминда, ҳар бир хонадонда тинчлик, осойишталик, барқарорликни сақлашдир. Маълумки, ўзбек халқи табиатан ватанпарвар халқ. Истиқлол унинг учун бош ҳарфлар билан ёзиладиган эҳтиёж эди. Мустақиллик Ватан ҳақида, ватанпарварлик ҳақидаги тушунчаларимизни тубдан ўзгартириб юборди.

Ҳозирги пайтда Ватан мустақиллигини эъозлашимиз, кадрига етишимиз, қадам-бақадам мустаҳкамлаб истиқбол сари, буюк давлатимизни жаҳондаги ривожланган мамлакатлар сафига олиб кириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун олға боришимиз керак. Мана шу туйғулар, олижаноб фазилат ҳамда эзгу ҳаракатлар бугунги кун учун Ватанга муҳаббат, яъни ватанпарварлик намунасига айланмоқда.

Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормоқда. Бу – табиий ҳол. Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди. Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки, умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган.

Дарвоқе, Ватанимиз, яъни – бутун мусулмон олами эътироф этган олти буюк муҳаддиснинг тўрт нафари бўлмиш – Имом Бухорий, Абу Исо Муҳаммад Термизий, Имом Аҳмад Насоий, Имом Доримий каби тенгсиз

алломаларимизни онгу-шууримизда ҳис қилиш, дилда сақлашдир. Улар муқаддас Қуръони Каримдан кейин энг бебаҳо ҳикматлар гавҳари ҳисобланган Ҳадиси шариф тўпламларини тузиб, юртимиз ҳамда жаҳон халқларига абадул-абад сўнмас шон-шараф келтирдилар.

Шунингдек, ислом таълимоти равнақиға бемисл ҳисса қўшган Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Хўжа Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Мотуридий, Аҳмад Фарғоний сингари ўнлаб буюк зотлар бу Ватанни мўътабар этишди.

**Ватанға муҳаббат** юрт ҳимояси учун матонат кўрсатган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Амир Темур, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Дукчи Эшон, Примқул Намозов каби улуғларға муносиб бўлиб яшашдир.

**Ватанға муҳаббат**, бу – зулм-истибдоддан қутулиш учун халқни маърифатли бўлишға чорлаган, миллий уйғонишға даъват этган, нажот илм-фан ҳамда бирлик ва бирлашиш ила ҳаракат қилиш, деб билган фидойи зиёлиларни, уларнинг раҳнамолари бўлган Мунавварқори, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби сиймоларни кўрсатиш мумкин!

Ҳар бир инсон кўнглидаги орзу-умидлари, яъни саодатли Ватанға муҳаббатини ҳамиша авайлаб-асрайди. Уларнинг рўёбға чиқиши учун интилиш ва курашиш баробарида эзгу ниятларига кўз тегмаслигини Яратгандан сўрайди. Демак, у умри давомида авайлаб-асрайдиган, кўз қорачиғидай азиз билган шундай туйғулар борки, уни ошқора тарзда эмас, ич-ичидан, юрагининг тубидан тўлқинлантириб ҳаёт йўлларига ошно қилади.

Масалан, оддий сўзлар бор – **Авайлаш** ва **Асраш**. Аслида инсон кўнглида кечадиган шу сўзлар эъзозли туйғу. Зотан, болангизни, оилангизни, яхши кўрадиган одамингизни, илинган жойингизни, элингизни, она Ватанни «**авайлаш лозим, асраш керак**» деган ўй-фикрни доимо ёдда тутасиз.

Ватаннинг Ватан бўлмоғи учун энг аввало эъзоз ва ифтихор ҳамда ғурур ва туйғу зарур. Унга миллатнинг миллат бўлиши – аҳилликка,

хамжихатликка, муҳими манфаатга боғлиқ бўлади. Элнинг эл бўлмоғи учун тинчлик, тотувлик, хотиржамлик керак! Демак, булар Ватанга муҳаббатнинг муҳим омиллари.

Биринчи Президентимиз Ислоом Каримов «бир пайтлар халқимиз, Ватанимизга нисбатан бўлган зулм ва зўравонлик, камситишлар ҳақида гапирар эканмиз, мен бир фикрни таъкидлаб айтмоқчиман: биз аламзада эмасмиз, кечаги ҳаётдан норози бўлиб, кимгадир қандайдир талаб қўйишдан ҳам йироқмиз. Кимлардир бир вақтлар юртимиздан улкан бойликларни олиб кетган бўлса, майли, бойлик топилади. Аммо шуни билиб қўйинглар, бизнинг энг катта бойлигимиз – бу халқимиз, ёшларимиздир» (Каримов И. А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т., 2015. – Б. 264.) дея таъкидлаган экан, ҳамон аламзадалик кўзи билан қаровчилар борлигини, империяпарастлар йўқ эмаслигини қуйидагича ифода қилиб: «тарих ҳақиқати шуки, империя деган тузум ҳеч қачон кўп яшамайди. Нега деганда, империя ҳамиша зулмга асосланади» (Каримов И. А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т., 2015. – Б. 91.), деган қатъий фикрни билдирган.

Мустақиллик шарофати туфайли буюк бобомиз Амир Темур сиймосига ҳаққоний баҳо берилди. Амир Темурда камдан-кам учрайдиган ноёб истеъдоднинг қирраларини очиш имкониятлари яратилмоқда. Унинг «Тузуқлари» давлатни идора қилиш ва ҳарбий санъатни ташкил қилишнинг намунасидир. Ушбу мажмуада зийраклигу донолик, фаросатлигу тадбиркорлик, ишбилармонлигу топқирлик, зукколигу билимдонлик каби хислатлар ўз аксини топган. Айниқса, ҳарбий соҳадаги Соҳибқироннинг ноёб фикрлари ҳамон, қарийб 650 йилдан буён ўзининг қимматини йўқотган эмас, Шарқу Ғарб учун дастуриламал бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги даврда давлат суверенитетини мустаҳкамлаш, миллий маънавий қадриятларни тиклаш, ўзликни чуқур англаш, миллий мустақиллик мафқурасини ривожлантириш каби улуғвор ишларни изчил, босқичма-босқич

ва тизимли тарзда давом эттириш – Ватанга муҳаббатдан бошланади. Демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда ривожлантириш жараёнлари ислохотларнинг ўзимизга хос ва ўзимизга мос «ўзбек модели» ва миллий тажрибамиз асосида фуқаролар онгида демократик кадриятларни қарор топтириш ва ҳуқуқийсиёсий маданиятни оширишда фаол иштирок этиш муҳим вазифага айланмоғи, энг муҳими Ватанга муҳаббат – олий саодат руҳида яшаш демакдир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ватанга муҳаббат – бу халқимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳаёти фаровонлигини ошириш ҳисобланади. Демак, униб-ўсиб келаётган ёш авлодни юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш учун фидокорона хизмат қилиш руҳида тарбиялаш – Ватан тараққиёти, равнақи ҳамда Ўзбекистоннинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслигини муҳофаза этиш бош вазифа бўлиб қолади.

#### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 09.02.2021 йил.
2. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2015. – Б. 30–31.
3. Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т., 2011. – Б. 426.
4. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т., 1998. – Б.3.
5. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. – Т., 2007. – Б. 108.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. А–Д. / Таҳрир ҳаёти: Т. Мирзаев ва бошқ.–Т.,– Б.444.
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари / Қ.Назаров ва бошқ. – Т., 2001. – Б.154.